

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ» факультети

«ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси

«ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ»

ФАНИДАН АМАЛИЁТ МАШҒУЛОТЛАРИНИ

БАЖАРИШ БҮЙИЧА МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

ГУЛИСТОН - 2020

Шоев О.Х. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фанидан амалиёт машғулотларини бажариш бўйича методик қўлланма Гулистан 2020. 24 б.

Ушбу методик қўлланма 5230100-иқтисодиёт таълим йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда замонавий педагогик технология тизимиға суюнган ҳолда амалий машғулотларни бажариш тартиби, дарснинг мақсади, идентив мақсадлар, керакли манбалар, тегишли адабиётлар рўйхати келтирилган.

Методик қўлланма Гулистан ДУ ЎМК томонидан (1-баённома, 28.08.2020й) нашрга тавсия қилинган.

Тузувчи:

ўқитувчи. Шоев О.Х.

Тақризчилар:

доц. А.Бурхонов

доц. Сатторқулов О.

«ГЛОБАЛ ИКТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ» ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН КЕЙС – СТАДИЛАР

Пўлат киритишга божлар қўйилди

АҚШда пўлатни мамлакатга киритишининг янги тарифларини ўзида мужассамлаштирган қонун кучга кирди. Янги ставкалар 30% ни ташкил қилиб, 3 йил муддатгача амал қиласди. Пўлатни импорт қилиш шартшароитларини ўзгарганлиги ҳақида 2002 йил март ойининг бошида эълон қилинган эди. Президент Буш бу қарор миллий металлургларга киритиладиган пўлатга тарифларнинг пастлиги сабабли юзага келган ва узоққа чузилган кризисдан чиқиб олишга ёрдам беради, деган фикрда. Бу албатта бошқа пўлат куювчилар норозилигини келтириб чиқарди.

Евроиттифоқ биринчилардан бўлиб ЖСТга расмий равища ўз шикоятини билдириди. Евроиттифоқ пўлат куювчилар вакилларининг фикрича Янги тарифлар киритилгани оқибатида ушбу соҳа хар йили 2 млрд. доллар фойдадан воз кечишига мажбур бўлади. Евроиттифоқ хам ўз пўлат куювчиларини химоялаш максадида АҚШга қарши санкциялар қўллашга ҳозирланмокда. Бундай фикрлар жаҳоннинг бошқа давлатлари томонидан хам билдириб ўтилди. Янги тарифлар киритиши Россия Федерацияси, Хитой Бразилия, Япония, Жанубий Корея, Норвегия, Австралия ва Янги Зелландия каби давлатлар экспорти учун заарлидир. Аммо Жанубий Африка Республикаси каби ривожланаётган давлатлар АҚШнинг “қора рўйхат”ига тушмаган. Шунингдек янги тарифлар Канада, Мексика, Исландия ва Иордания каби АҚШ билан эркин савдо қилиш тўғрисидаги шартнома тузилган давлатларга қўлланилмайди.

Бундан ташқари тарифларининг тасдиқланиши АҚШнинг пўлат маҳсулотларини ишлатувчи компаниялар норозилигига хам сабаб бўлди. Уларнинг фикрига кўра, бунинг оқибатида пўлатнинг нархи ошади ва соҳадаги ишчилар сони қисқаради. Джордж Буш янги тарифлар киритилаётганида бундай натижা бўлишини кутган эди. Аммо сиёсий мантиқ ва муаммони кескин чоралар кўриш билан бартараф этиш устун келди. Пўлат қувиш компаниялари шу йил Конгрессда бўладиган сайловларда хал қилувчи роль ўйнашлари мумкин. Бундан ташқари улар 2004 йилги президент сайловларига хам таъсир кўсатишлари мумкин. АҚШнинг янги тарифлар киритиши масаласи ЖСТ да бир неча ой ва хатто йиллаб давом этиши мумкин. Бу масала АҚШнинг харакатига қарши савдо шериклари амалга оширадиган харакатлардан кейин янада актуаллашиши турган гап. Иқтисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (**OECD**) фикрича, ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз бизнесининг даромадлилигини саклаш мақсадида ўз қувватини 100 млн. тоннагача камайтириши лозим.

Топшириклар

1. Юкоридаги холда ташки савдо сиесатини бошқаришнинг кайси усули кулланмоқда?
2. АҚШга пўлат импортини чеклашда кайси инструментлардан фойдаланиш таклиф килинмоқда.
3. Импорт чекланганда кимларга зарап ва кимлар бундан ютади?
4. Юкоридаги холда иқтисодий интеграциянинг ролини тушунтириб беринг.
1. Нега Европа мамлакатлари ЖСТга мурожаат этмоқдалар?

АҚШ билан савдо урушида ЕИнинг энг катта ғалабаси.

ЕИ мамлакатлари замонавий “савдо урушлари” тарихида ўзларининг энг катта муваффақиятини нишонламоқдалар: Европа мамлакатлари “банан” ва “тўшт” урушлари учун реванш олишга муваффақ бўлишди. Ўтган хафта охирида жаҳон савдо ташкилоти АҚШ ва ЕИ орасидаги солиқ имтиезлари билан боғлик муаммони хал қилиш учун вердикт чиқарди, бунда ЕИ мамлакатлари АҚШга қарши 4 млрд. долл. савдо санкциясини қўллаши назарда тутилган. Солик имтиёзлари борасидаги келишмовчиликлар ЕИ ЖСТга 2000 йил ноябрида АҚШ махсулотларига нисбатан 4,043 млрд. долл. хажмида жазо чоралари қўллаши ҳақида арз қилганида бошланган эди. Евроапаликларнинг фикрига кўра АҚШ ўз экспортини чет эл савдоларини амалга оширувчи корпорацияларини қўллаб қувватлаш орқали субсидиялар берди. 2001 йил июнь ойида ЖСТ АҚШнинг бундай қарори ўрнатилган тартиб қоидаларга тўғри келмаслиги ҳақида огохлантириди. Аммо АҚШ конгресси бу қарорни бажарилишини ноқонуний деб топмади. Бунда конгресс олдида мураккаб дилеммани хал қилиш кераклиги ҳақидаги муаммо кундаланг туради: ЖСТнинг қарорига бўйсуниш ёки ЖСТнинг вердиктига нисбатан хеч қандай таъсир билдириласлик. Охирги холда АҚШга ЕИ томонидан қарши жавоб сифатида 4 млрд. долл. миқдорида санкция қўлланилиши мумкин. Вахоланки, на АҚШ ва на ЕИ келишмовчиликни жиддий тус олишидан манфаатдор.

Бу жараёнда ЕИ биринчи бўлиб муаммони ижобий хал қилиш учун дастлабки қадамни ташлади. ЕИнинг савдо ишлари бўйича комиссари Паскаль Лами **Walt Street Journal** газетасига берган интервьюсида санкция беришнинг охирги санасини аниқ ўрнатмаслигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра АҚШ конгресси учун қонунни рад этишга камида бир йил муддат керак. ЕИ раҳбарияти икки ой давомида жавоб чоралари кўрилиши мумкин бўлган АҚШ махсулотлари рўйхатини тузиб чиқишини билдириб ўтди. Хусусан баъзи АҚШ махсулотларига божхона божлари 100%ни ташкил қилиши мумкин. Тузиладиган рўйхатга дон махсулотлари, пўлат, текстиль саноати махсулотлари, алюминий, ядро реакторлари ва самолётлар киритилиши мумкин. Ноябрь ойида тузилган рўйхатни ЕИ нинг 15 та мамлакатига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Бу АҚШга қўлланилиши мумкин бўлган санкциянинг биринчи босқичи бўлади. Агар АҚШ томони солиқ имтиёзи тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чикмаса, иккинчи босқичда

рўйхат яна бир канча товарга тўлдирилади. Кузатувчилар фикрига кўра солиқ имтиёзи тўғрисидаги ғалаба европаликларни рухлангантирган холда Вашингтонга қарши “пўлат урушида” янги қахрамонликлар сари ундаши турган гап. Эслатиб ўтамиз, 20 марта АҚШ импорт қилинадиган пўлат учун 30 % лик божларни қўйган эди, аммо ЕИ қарши санкциялар қўллашини таъкидлаганда, Вашингтон божлар қўлланилиши кўзда тутилган металлургия махсулотлари рўйхатидан 178 тасини чиқариб ташлашини эълон қилди. Аммо ЕИ давлатлари АҚШдан пўлат импорт қилиш учун божларни бутунлай бекор қилишини талаб қилмокда.

Топшириклар

1. Бу ерда қандай савдо сиесати тўғрисида гап кетмокда?
2. Томонлар қайси инструментлардан фойдаланмокдалар?
3. Савдо урушидан кимга зарар ва кимга манфаат бор?
4. Халқаро савдо муносабатларининг ўрни қандай?

Philips компанияси маиший техника ишлаб чиқариши заводларини сотмокда

Philips electronics компанияси маиший техника ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бир нечта заводларини сотишни мулжалламокда. Бундан ташқари *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш хукуки Япониянинг *Funai Electric* корпорациясига берилади. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукаммал ривожланиб кетиши билан изохланади. *Philips* нинг маиший бўлим мудири Ги Демейнкнинг фикрига кўра *Funai Electric* билан хамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини сақлаб қолишида қўл келади. Агар аввал Японияда *Philips* маркаси билан ишлаб чиқарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу махсулот Европа бозорини хам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида Голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли мобил телефонлар ишлаб чиқариш хукуқини Хитойдаги қўшма корхонага берилишини эълон қилди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктуризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни хам ўз ичига олади. Олдин 10 минг та ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктуризация аввало маиший техника соҳасидаги ходимларга қаратилади. Тахлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки *Philips* компанияси маиший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга харакат қилмокда.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмокда? Ким унинг субъекти хисобланади?
2. Ушбу холатни халқаро савдонинг қайси назарияси тўларок ва аникроқ еритади?

Германия иммигрантлар учун ўз эшикларини кенгроқ очишига харакат қилмокда

Берлинда яқинда хукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди, унга кўра Германия давлати хар йили 50 мингга якин иммигрантларни қабул қилиши лозим, акс холда ишчи кучи етишмаслиги оғир муаммога айланиши мумкин. Экспертлар комиссияси мамлакатга чет элликлар келиши борасидаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Бундан чиқарилган асосий хулоса шундан иборат бўлдики, ёш ва малакали мутахассислар Германияга келмайдиган бўлса, туғилиш кескин суръатлар билан камайиб бораётган бу пайтда иқтисодий тараққиёт ва юқори хаёт тарзи каби орзулар хом хаёллигича қолиб кетавериши мумкин.

Бунинг учун Германияга асосан уч турдаги иммигрантларни жалб қилиш керак бўлади. Нисбатан ёш ва 45 ёшгача бўлган малакали 20 мингта чет эллик мутахассислар Германияда чегараланмаган муддатда яшаш ва шу ерда ишлаш хукукини қўлга киритадилар. Бунинг учун номзодларни балли система ёрдамида синовдан ўтказилади. Нозодлар қанчалик ёш, малакали ва тажрибали булса уларга шунчалик қўп балл қўйилади. Чет тилларини, хусусан немис тилини билиш ва фарзандларнинг борлиги Германияга бориш имкониятини янада оширади. Иккинчи категорияда хам 20 мингта номзодлар сараланиб олинади. Бунга ҳозирги вақтда Германияда жуда камёб мутахассислик эгалари киритилади. Улар Германияда вақтинчалик яшаш ва ишлаш хукукини қўлга киритишади. Иммигрантларнинг учинчи категориясида мактабларнинг битиравчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Улар Германияда профессионал техник маълумот олишлари мукин ва хошишига кўра Германияда доимий қолишлари мумкин. Шу билан бирга чет эллик олимларнинг Германияга келишлари учун барча зарур шартшароитларни яратиш кўзда тутилган.

Давлат томонидан бериладиган ёрдамга чет элдан келиб Германияда уз ишини очмоқчи бўлганлар ишонишлари мумкин. Бу масалан, кимевий тозалаш корхонаси, автоустахона ёки ресторон ва хатто банк хам бўлиши мукин. Асосийси солиқларни ўз вақтида тулашдир.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмоқда?
Ва қайси муаммони хал қилиш лозим?
2. Иммиграциянинг қайси кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтилди?
3. Германия иммиграцион сиесатнинг қайси инструментларини ишлатмоқда?
4. Германия иммигрантларини қабул қилиб қайси имкониятлага эга бўлади?

“ЖИ ва ХИМ ” фанидан

Лойиҳа асосида ўқитиш технологияси

Ўқув лойиҳаси: “Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этишни хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили”

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Фаннинг номи: “ЖИ ва ХИМ”.

Мавзунинг номи: “Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этишни хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили”

Иштирокчилар: бакалавр босқичидаги 3-курс талабалари.

Ўқитишнинг мақсади: мавзу бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш учун назарий билимлар орқали Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этиш муаммоларини хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ҳал этиш тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.

Режалаштирилаётган ўқув натижалари:

ЭИХ мақсади ва вазифаларини англаб етади; корхоналарнинг ЭИХларда ўзига хос жиҳатларни ажратади; ЭИХларни ўзлаштиради; ЭИХларни ташкил этиш йўлларини билиб олади; аниқ ЭИХни ташкил этиш кўникмаларига эга бўлади.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қўйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

1. ЭИХларни мақса.
2. ЭИХ асосий шакллари
3. ЭИХ кўлланиладиган имтиёзлар.

Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар қўйидагилардан иборат: Қўйидаги билимларни билиши керак: ЭИХ тушунчаси, моҳияти ва назарий асослари. *Лойиҳалаштириши фаолияти бўйича қўйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш. *Қўйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:* муаммога тегишли маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; гурӯхда фаолият юритиш, ҳамкорликда ўқиш.

Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:

лоийха тури: тадқиқот;

предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами: алоҳида фан бўйича билим соҳаси доирасидаги монолойиҳа;

талабалар ўқув фаолиятларини мувофиқлаштириши характери: бевосита;

иштирокчилар сони: 3-5 та иштирокчи бўлиши мумкин;

бажарииш муддати - 2 ой,

Лойиҳани бажариш тартиби: талабаларнинг аудиториядан ташқари мустакил фаолият сифатида бажарилади, лойиҳа маҳсули амалий машғулотда тақдим этилади.

Лойиҳанинг баҳоланиши – гурухий лойиҳа сифатида баҳоланади:

талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл - 40);

хисобот (макс. балл - 20);

лоийха тақдимоти (макс. балл - 12);

лоийха тақдим этиш ва ҳимоя қилиш жараёни (макс. балл - 8).

Лойиҳа асосида ўқитиш босқичлари

Тайёрлов босқичи: лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳани бажарииш босқичлари: аудиториядан ташқари фаолият.

Якуний босқич: лойиҳа тақдимоти, лойиҳа ва аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

Ўқитиш моделига қисқача тавсифнома.

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

ўқитиши усуллари: лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, ақлий ҳужум, тақдимот;

ўқитиши шакллари: оммавий, алоҳида, гурухий;

ўқитиши воситалари: лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

I. ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ

“Ўзбекситонда ЭИХ ташкил этишини хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили”

Кириш

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида мамлакат олдида турган энг асосий вазифалардан бири ЭИХларни ташкил этишdir. Бу мамлакатга киритиладиган инвестиция оқимини кучайтириади. Бунинг дорасида сифатли , рақобатбардош ҳамда нисбатан арzon маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эга бўламиз. Ушбу вазифани муваффақиятли амалга оширишда ЭИХлар жуда аҳамиятлидир аҳамияти .

Эркин иқтисодий худудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизими қўлланиладиган миллий иқтисодий худуднинг бир қисмидир. Одатда ЭИХ жуғрофий жиҳатдан у ёки бу даражада алоҳида ажратиб олинган худуддир

Эркин иқтисодий худудларнинг кўринишлари

I. Савдо	II. Саноат-ишлиб чиқариш	III. Техника киритиш	IV. Хизмат
1. Эркин божхона 2. Банд худудлари омборлари 3. Эркин савдо портлар 4. Эркин савдо худудлари	1. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар. 2. Экспортга ишилаб чиқарувчи маҳсулотлар. 3. Саноат боғлари 4. Илмий-саноат боғлари. 5. Макладорас (Мексика)	1. Технополис. 2. Технобоғ. 3. Янги ва илғор технологияларни ривожлантириш худудлари.	1. Оффшор зоналар. 2. Молиявий марказлар. 3. Банк хизматлари худуди. 4. Туризм хизматлари худуди. 5. Экобоғлар
V. Мажмуавий			VI. Халқаро

Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо: Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этиш бўйича тавсиялар ишилаб чиқиши.

Вазифалар:

1. Тадқиқот лойиҳаси мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, предмети ва обьекти, маълумот манбаларини аниқлаш.
2. ЭИХ моҳиятини очиб бериш
3. ЭИХ асосий тушунчаси ва унинг шакллари
4. ЭИХ кўринишлари
5. ЭИХ ривожлантириш бўйича хulosса ва таклифлар ишилаб чиқиши

Лойиҳа топшириғи

Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилияпти): Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этишда хориж тажрибасидан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишилаб чиқиши

Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули): ЭИХ ташкил этиш Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этишда хориж тажрибасидан фойдаланиш бўйича йўриқнома

Лойиҳадан фойдаланувчилар: ЭИХларда фаолият кўрсатаётган, эркин иқтисодий худудлар фанни ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, ўрганаётган талабалар.

Лойиҳа доираси:

- бажарилиш муддати: семестр давомида (якуний назоратдан олдин тақдимот қилинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;
- иштирокчилар сони: 3-5 иштирокчи бўлиши мумкин.

Лойиҳанинг мазмуни:

I. Тадқиқот лойиҳасининг кириш қисми

- Тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаш, унинг муаммоси, предмети ва объектини аниқлаш.

- Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш.

- Тадқиқотнинг ахборот манбаларини аниқлаш.

- Тадқиқот усулларини танлаш.

II. “ЭИҲ муаммолари”

- ЭИҲнинг мазмуни ва имтиёзлари .

- ЭИҲ ривожлантиришда хорижий инвеститсияларини жалб қилиш имкониятлари.

III. “Эркин иқтисодий ҳудуднинг кўринишлари”

- Савдо

- Саноат ишлаб чиқариш

- Техника киритиш

- Хизмат

IV. “Ўзбекистонда ЭИҲ ташкил этиш хориж тажрибаси бўйича хулоса ва таклифлар”

Лойиҳа босқичларини амалга ошириш учун иш турлари:

- Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини кўрсатиш;
- Маълумот манбалари асосида топшириқлар бўйича жадвалларни тўлдириш, таҳлил натижалари бўйича хулоса ва таклифлар бериш, фойдаланилган манбалар рўйхатини тузиш.

- Лойиҳани расмийлаштириш.

- Ҳисоботни тайёрлаш.

- Лойиҳа тақдимотини тайёрлаш.

Лойиҳани тақдим этиш шакли: “Ўзбекистонда Эҳм ташкил этишини хориж мамлакатлар тажрибаси таҳлили” номли тадқиқот иши натижалари бўйича ҳисбот.

Ҳисоботни тузиш таркиби:

1. Лойиҳа мавзуси.
2. Лойиҳа мақсади ва яқуний натижа (маҳсул).
3. Иштирокчилар ва уларнинг фаолият турлари (жадвал кўринишида).
4. Лойиҳа мавзуси долзарблигини асослаш.
5. Ечиладиган муаммони шаклантириш ва асослаш.
6. Топшириқлар тартиби.
7. Топшириқни ечиш натижаси – лойиҳа.
8. Фойдаланилган манбалар рўйхати

II. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР

1. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун күрсатма 1.Тайёрлов босқичи

1.1. Лойиҳа мавзусининг долзарблигини асосланг ва ечишинギз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, объекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиҳалаштириш фаолияти турлари ва ечилиши лозим бўлган топширикларни тайёрланг. Уларни ечиш усул ва воситаларини танланг.

1.4. Лойиҳа мавзусига доир ахборот манбалари билан танишинг (ўқув адабиётлари, Интернет сайтлари ва бошқалар).

2-босқич. Ўқув фаолиятини режалаштириш

2.1. Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг .

2.2. Иш режасини тузинг (loyiҳани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, ҳисботни тузиш бўйича топширикларни иштирокчилар ўртасида тақсимланг; уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

Лойиҳа бажарилишининг иш режаси

Иштирок-чининг Ф.И.	Топшириқ	Фаолият тури	Тайёр маҳсул кўриниши	Бажарилиш муддати
1	2	3	4	5
	Тадқиқот лоиҳасининг кириш қисмини тайёрлаш	Тадқиқот лойиҳаси мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, предмети, объектини белгилаш, тадқиқот усулларини танлаш.	Бажарилаётган тадқиқот лоиҳасининг мазмуни тўғрисида маълумот берувчи ахборот	
	ЭИХ уларни ташкил этиш сабаблари	ЭИХ қўйиладиган имтиёзлар	Мотивацияни ўргатиш ва кўллаш бўйича ахборот кўлланма	
	Замонавий ЭИХлар	Замонавий ЭИХларнинг кўринишлари	Замонавий хориж тажрибасидаги ЭИХларни тахлил қилиб Ўзбекситонга тадбиқ этиш.	
	Тахлил якуни бўйича хулоса ва таклифлар	Тахлил якуни бўйича хулосалар чиқариш, ЭИХ бўйича амалда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, тахлил натижаларини хисобга олган ҳолда,	Ходимларни бошқарища мотивацияни ривожлантириш омилларини кўрсатиш ва унинг самарадорлигини	

		ЭИХларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши.	оширишга қаратилган тавсиялар бўйича ҳисобот	
	Лойихани расмийлаштириш	Лойиха иши натижаларини тўплаш	“Ўзбекистонда ЭИХ ташкил этишни хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили” мавзусидаги тадқиқот лойихаси	
	Лойихалаштириш фаолияти натижалари ва лойиха тақдимоти бўйича ҳисобот тайёрлаш	Мавзунинг долзарблиги ва муаммони асослаб бериш, лойиханинг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш ва ҳоказо.	Ҳисобот	
	MS Power Point да лойиха тақдимотини тайёрлаш	Тақдимотни умумий безашни ва слайдларнинг мазмуний ўлчамларини танлаш, янги слайдларни қўшиш ва ҳоказо.	Тақдимот	

3-босқич. Бажарилиши

A. Тадқиқотнинг бажарилиши

3.1. Зарур маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил қилинг.

3.2. Тадқиқот натиажаларини расмийлаштиринг (тайёр холатини).

Б. Ҳисоботни тайёрлаш

3.3. Мавзунинг долзарблигини асосланг (1 бет).

3.4. Лойиҳангиз мақсадини кўрсатинг: у нима учун тузилган, якуний маҳсул қандай бўлади ва кимга йўналтирилган (1-3 жумла).

3.5. Лойиҳа иштирокчиларини аниқланг. Улар ўртасида топшириқлар ва иш фаолиятларини тақсимланг (жадвал кўринишида).

3.6. Сиз хал қилмоқчи бўлган муаммони ифодаланг (5-10 сўз билан).

3.7. Лойиҳа топшириғини шакллантиринг. Топшириқлар бўйича лойиҳа иши натижаларини тайёрланг.

3.8. Хуносалар беринг, лойиҳада берилган таклифларни татбиқ этиш зарурлигини кўрсатинг (1 бет).

3.9. Фойдаланилган маълумотлар манбалари рўйхатини тузинг.

В.Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш

3.10. MS Power Point да тақдимотларни тайёрлаш бўйича йўриқномадан фойдаланган ҳолда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

3.11. Лойиҳа тақдимотида гурӯҳ аъзолари вазифаларини аниқланг.

4-босқич. Лойиҳанинг оммавий тақдимоти, ҳимояси ва баҳолаш

2. Бажарилган лойиҳа ва лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш

Гурӯҳ жавоби бита умумий баҳоланади ёки талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алохида қисмлари баҳоланади:

- лойиҳа (макс. 40 балл);
- ҳисобот (макс. 20 балл);
- лойиҳа тақдимоти (макс. 12 балл);
- лойиҳанинг тақдимоти ва ҳимоя қилиш жараёни (макс. 8 балл).

Бажарилган лойиҳа маҳсулини баҳолаш

	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.	Лойиҳа мазмунинг қўйилган мақсадга мос келиши	Агар лойиҳа мазмуни қўйилган мақсадга мос келса, максимал 4 балл.
2.	Қўйилган вазифаларнинг лойиҳа натижасига эришишга мос келиши	Агар эришилган натижалар қўйилган вазифаларга мос келса, максимал 5 балл.
3.	Лойиҳанинг таркиби: Мавзуга тааллуқли сифатли ва етарли маълумотлар миқдори	Агар маълумотлар тақдим этилган бўлса, максимал 4 балл.
	Чизма ва жадваллар	Агар чизма ва жадваллар тақдим этилган бўлса, максимал 4 балл.
	Турли манбаларга ҳавола	Агар кенг миқдорда маълумот манбаларидан фойдаланилган бўлса, максимал 3 балл.

Максимал балл: 20

Бажарилган лойиҳа бўйича ҳисоботни баҳолаш

	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.	Ҳисоботни тайёрлаш учун кўрсатмага амал қилинганлиги (қаралсин. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма. Б. Ҳисоботни тайёрлаш).	Агар ҳисобот таркиби кўрсатмага мувофиқ келса максимал 1 балл.
2.	Мавзунинг долзарблигини асослаш	Агар мавзунинг долзарблиги етарли даражада кўрсатилган бўлса, максимал 1,5 балл.
3.	Лойиҳа мақсадининг кўрсатилиши	Агар лойиҳани нима учун тузилган, яқуний маҳсул қандай бўлади ва кимга йўналтирилганлиги аниқ кўрсатилган бўлса, максимал 0,5 балл.
4.	Лойиҳа қатнашчиларининг иш фаолиятлари ва вазифаларининг белгиланиши	Агар қатнашчиларнинг иш фаолиятлари ва вазифалари аниқ кўрсатилган бўлса, максимал 0,5 балл.
5.	Ечиладиган муаммонинг асосланганлиги	Агар муаммо етарли даражада асосланган бўлса, максимал 1,5 балл.
6.	Топшириқлар бўйича лойиҳа иши натижаларининг тайёрланиши	Агар топшириқлар бўйича лойиҳа иши натижалари тўғри тайёрланган бўлса, максимал 1,5 балл.
7.	Хулоса ва таклифларнинг шакллантирилиши	Агар лойиҳа ва унинг тавсияларини жорий этиш зарурлигини исботловчи хулоса ва таклифлар берилган бўлса, максимал 3 балл.
8.	Фойдаланилган манбалар рўйхатининг тузилиши ва расмийлаштирилиши	Агар фойдаланилган манбалар рўйхати бажарилган топшириқлар бўйича тайёрланган ва тўғри расмийлаштирилган бўлса, максимал 0,5 балл.
Максимал балл: 10		

Бажарилган лойиҳа тақдимотини баҳолаш

	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.	Лойиҳа тақдимотини тайёрлаш бўйича кўрсатмага амал қилинганлиги.	Агар кўрсатманинг ҳамма бандлари бажарилган бўлса, максимал 2 балл.
2.	Слайдлар сони	Агар слайдлар сони 10-15 та бўлса, максимал 1 балл.
3.	Слайдларнинг мазмуний ўлчамлари	Агар слайдларнинг мазмуний ўлчамлари қўйидаги талабларга мос келса: - 1-слайднинг таркиби: лойиҳа номи, лойиҳа муаллифларининг фамилияси, исми, ўқув гуруҳ рақами, лойиҳани тузиш санасидан иборат; - охирги слайд маълумотлар манбалари тавсифига бағишлиланган; - қолган слайдлар лойиҳа мазмунини мантиқий шаклда ифодалайди. Максимал 2 балл.
Максимал балл: 5		

Бажарилган лойиҳанинг оғзаки тақдимоти ва ҳимоя қилиш жараёнини баҳолаш

	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.	Оғзаки тақдимот қоидаларига риоя этилиши.	Агар тақдимот ўзини-ўзи тақдимот қилиш-лоийха иштирокчиларини таништиришдан бошланса; нутқ сўзловчилар регламентга риоя этсалар (7-15 дақиқа); тақдимот давомида беадаб иборалар қўлланилмаса, максимал 1 балл.
2.	Лойиҳа ҳимояси	Агар лойиҳа тақдимот иштирокчиларида қизиқиш уйғотса, максимал 1 балл.
3.	Иштирокчиларнинг фаоллиги	Агар тақдимотда гурухнинг барча иштирокчилари қатнашса, максимал 1 балл.
4	Саволларга жавоб бериш	Агар жавоблар асосланган ва тўғри бўлса, максимал 2 балл
Максимал балл: 5		

3. Лойиҳа тақдимоти

3.1. Оғзаки тақдимот қоидалари

- Тақдимот ўзини-ўзи тақдимот қилиш – лойиҳа ижро чиларини таништиришдан бошланади: “Мен,”.
- Нутқ сўзловчилар регламентга риоя қилишади. Тақдимотнинг умумий давомийлиги 7-10 дақиқадан бошлаб 25 дақиқагача.
- Тақдимот давомида гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимоти в ҳаракатларнинг келишилганлиги бўлиши керак.
- Тақдимот давомида беадаб ибораларни қўллаш тақиқланади.

3.2. MS Power Point да тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. Тақдимот қўйидаги тавсифларга эга бўлиши керак:
 - 1.1. Слайдларнинг сони 10-15 та.
 - 1.2. Слайдларнинг мазмуний ўлчамлари:
 - биринчи слайд қўйидагилардан иборат: лойиҳа номи, лойиҳа муаллифларининг фамилияси ва исми, ўқув гурухи рақами, лойиҳани тузиш санаси;
 - охирги слайд маълумотлар манбалари тавсифига бағищланган;
 - қолган слайдлар лойиҳа мазмунини мантиқий кетма-кетликада ифодалайди.

III. Лойиҳа усули асосида ўқитишининг технологик харитаси

Таълим шакли. Иш босқичи	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
	Аудитория иши: тайёргарлик босқичи	
1. Ўқув машғулотига	Машғулот мавзуси ва мақсадини, ўқув машғулотидаги иш тартиби ва	Тинглайдилар

кириш	хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш мезонлари билан танишитиради.	
2. Асосий босқич	<p>Талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятининг моҳияти, касбий билимларни оширишдаги аҳамияти билан танишитиради</p> <p>Талабаларнинг лойиҳа мавзуси бўйича билимларини долзарблаштиради: блиц-сўровнома ўтказади.</p> <p>Мавзуларни таклиф қиласди, лойиҳалар мазмуни ҳақида ҳикоя қиласди, уларни ечиш доирасини ифодалайди, иш турларини санаб ўтади, уларни натижаларини маълум қиласди.</p> <p>З кишидан бўлиб гуруҳларга бирлашиш ва лойиҳа мавзусини танлашни таклиф қиласди</p>	<p>Гуруҳларга бирлашадилар. Мавзу танловини муҳокама қиласидилар ва умумий қарорни қабул қиласидилар.</p>
	<p>Эвристик сухбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қиласди, талабаларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни хал қилиш зарурлигини билишга ундейдиган саволлар қўяди.</p> <p>Талабаларнинг лойиҳа мақсади ва вазифаларини ифодалаши бўйича мунозара ёки ақлий хужум уюштиради.</p> <p>Унинг кутиладиган натижаси – маҳсули ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифодалашни таклиф қиласди</p>	<p>Саволларга жавоб беришади; зиддиятни аниқлашади, уларни хал қилиш зарурлигини билишади.</p> <p>Лойиҳа мақсади ва вазифаларини ифодалашади. Лойиҳа натижаси – маҳсули ва унинг тахминий фойдаланувчиларини белгилашади.</p>
	<p>Лойиҳа топшириғини қўяди ва уни талабаларга тушунтиради.</p> <p>Маълумот манбаларини аниқлаш, тўплаш усулларини тавсия қиласди.</p> <p>Лойиҳалаштириш фаолияти натижаларини ва умуман жараённи баҳолаш мезонлари билан танишитиради.</p>	<p>Лойиҳа топшириғи билан танишадилар.</p> <p>Саволлар беришади.</p> <p>Муҳокама қиласидилар.</p>
	<p>Гурух иши учун топшириқ беради, гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва ва иш турларини ажратиш, уларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш; - лойиҳа фаолияти алгоритмини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; -ишчи режани тузиш. 	<p>Лойиҳа фаолиятини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади:</p> <p>лоиҳани бажариш йўналиши ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, ҳамкорлик шаклларини белгилайдилар, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлайдилар.</p>

		Лойиҳанинг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъулларни кўрсатган ҳолда ишлаб чиқадилар.
3. Якунловчи-баҳолаш босқичи	Лойиҳа топшириғи устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради Талабалар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш жадвалига қаратади. Саволларга жавоб беради.	Саволлар беришади.

Аудиториядан ташқари иши: ижро босқичи

1. Лойиҳани бажарилиши 2. Натижаларнинг ифодаланиши 3. Ҳисобот тузилиши 4. Тақдимот тайёрланиши	Маслаҳат беради, гурухлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради.	Иштирокчилар ишларни индивидуал вазифаларга биноан бажарадилар: -турли манбалардан ахборот тўплашади, таҳлил қилишади ва умумлаштиришади; -натижаларни мухокама қилишади; -loyiҳa махсулини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Тақдимотни тайёрлашади.
--	--	---

Аудитория иши: якунловчи босқич

1. Ўқув машғулотига кириш	Лойиҳалар тақдимотига кўрсатма беради: гурухнинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламент ива изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади.	
2. Асосий босқич	Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Гурух тақдимоти якунлари бўйича: - мазмуни бўйича аниқловчи саволлар ва хар бир иштирокчининг роли хақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради; курсдошлар саволларига жавобларни қўвватлайди ва рағбатлантиради.	Гурух ўз иши натижалари ҳақида маъруза қиласди ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб беришади.
	Лойиҳа тақдимотининг жамоавий мухокамаси ва баҳолашни уюштиради. Талабалар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва якунларини мухокама қиласди, нотикларни рағбатлантиради, агар зарур бўлса, айрим талабаларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини билдиради.	Жамоавий тарзда мухокама қиласдилар ва тақдимот, лойиҳа махсули ва натижаларини баҳолайдилар

3. Якунловчи-бахолаш босқичи	<p>Лойиха фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хulosча чиқаради.</p> <p>Гурӯҳ фаолияти, лойиха топшириғи бўйича индивидуал иш натижаларига баҳо беради. Жамоавий баҳолашга якун ясайди.</p> <p>Лойиха ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди.</p> <p>Саволларга жавоб беради.</p>	Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштирокини бошқалар баҳоларини хисобга олиб ўзи баҳолайди.
------------------------------	--	--

1-масала. Фараз қилайлик, Арика ва Бритика мамлакатлари фақат икки хил товар - шакар ва пўлат ишлаб чиқаришади, бу товарларга ишлаб чиқариш харажатлари қўйидаги жадвалда келтирилган, муқобил харажатлар ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ҳажмида бир хилда қолади.

	<i>1 тонна пўлат ишлаб чиқариши учун харажатлари</i>	<i>1 тонна шакар ишлаб чиқариши учун харажатлари</i>
Арика	150	100
Бритика	120	120

- а) Арика пўлат ишлаб чиқаришда мутлоқ устунликка эгами?
- б) Бритика шакар ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эгами?
- в) Эркин савдо шароитида Арика ва Бритика қайси товарларни экспорт ва импорт қиласди?
- г) Арика ва Бритика ўртасида эркин савдо шароитида пўлат ва шакарнинг жаҳон баҳоси қайси чегарада ўрнатилади?

2-масала. Қуйида Арика ва Бритика мамлакатларининг ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали берилган. Фараз қилайлик, талаб таркиби шундайки, агар икки мамлакат ўртасида савдо бўлмаса, Арикада **8 мингта** автомобиль ва **3 минг тонна** гуруч, Бритикада еса **8 мингта** автомобиль ва **9 минг тонна** гуруч ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади.

- а) Арика ва Бритика учун қайси товарларга ихтисослаш фойдалироқ?
- б) Ихтисослашиш натижасида автомобиль ва гуруч ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қанчага ўсади?
- в) Битта автомобильнинг жаҳон баҳоси қандай оралиқда ўрнатилиши мумкин?
- г) Фараз қилайлик, жаҳон баҳоси 1 та автомобильга 1 тонна гуруч даражасида ўрнатилсин ва ташқи савдо ҳажми **10 мингта** автомобиль ва **10 минг тонна** гуручни ташкил ецин. Ҳар икки мамлакат ихтисослашувдан қанча фойда кўради?

3-масала. Фараз қилайлик, X мамлакатда буғдойга талаб функцияси:

$D = 100 - 20P$, таклиф функцияси: $C = 20 + 20P$ кўринишга эга.

- а) X мамлакатга импортга талаб функциясини аниқланг ва импортга талаб эгричизигини чизинг. Та什қи савдо бўлмаганда буғдой нархи қандай бўлади?

Енди Й мамлакатни кўрайлик, бу йерда буғдойга талаб функцияси: $D^* = 80 - 20P$, таклиф функцияси: $C^* = 40 + 20P$ кўринишга эга.

- б) Y мамлакатга экспорттаклифи функцияси кўринишини аниқланг ва экспорттаклифи эгричизигини чизинг. Та什қи савдо бўлмаганда Y мамлакатда буғдой нархи қандай бўлади?
- в) Фараз қилайлик X ва Y мамлакатлар ўртасида савдо йўлга қўйилди ва транспорт харажатлари нолга тенг. Буғдойнинг жаҳон нархи қай даражада ўрнатилади? Савдо ҳажми қандай бўлади?

4-масала. Жадвалда A мамлакатда буғдой ва шакар ишлаб чиқаришда қўшилган қийматда ва миллий даромадда турли омилларнинг улуши хақида маълумотлар келтирилган.

Ишлаб чиқариш омиллари	Буғдой	Шакар	Миллий даромад
мехнат	0,35	0,20	0,30
ер	0,45	0,20	0,35
капитал	0,20	0,60	0,35

Фараз қилайлик, А мамлакат буғдой ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга ва бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларини ўрнатилиш туфайли буғдойни экспорт, шакарни импорт қила бошлайди.

- а) Ҳар бир омил (мехнат, йер, капитал) учун экспортга ихтисослаштириш кўрсаткичларини $C_{u,x/m}$ хисобланг.
- б) Агар омиллар тармоқлар орасида умуман ҳаракатлана олмаса, савдонинг кенгайиши натижасида ким ютади? Ким ютқазади?
- в) Агар омиллар мамлакат чегарасида мутлоқ ҳаракатчанликка эга бўлса, бу ҳолатда ким ютадио, ким ютқазади?

5-масала. Кичик мамлакат X товарни импорт қилади. Бу товарнинг жаҳон баҳоси 10 \$. X товарни бу мамлакатдаги ички таклифи $C = 50 + 5P$ тенглама билан аниқланади. Талаб эгричизиги эса: $D = 400 - 10P$ кўринишга эга. Фараз қилайлик, мамлакатда X товар бирлигига 5 \$ миқдорида маҳсус тариф белгиланди. Божхона божининг қўйидагиларга таъсирини аниқланг:

- а) истеъмолчилар фаровонлигига;
- б) ушбу мамлакатдаги X товарни ишлаб чиқарувчилар даромадларига;
- в) давлат бюджетининг даромад қисмига;
- г) мамлакат фаровонлигига.

6-масала. Фараз қилайлик, А мамлакат самолёт ишлаб чиқаради. Ички бозорда битта самолёт нархи - 60 млн. доллар. Самолёт ишлаб чиқариш учун зарур еҳтиёж қисмларнинг 50 фоизи четдан сотиб олинади. Импорт қилинган еҳтиёж қисмларнинг тайёр маҳсулотдаги улуши 25 фоизни ташкил етади. А мамлакатдаги миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва бандликни қўллаб-қувватлаш учун божхона божини жорий етилди. Унга кўра импорт қилинган самолёт учун божхона божи ставкаси 15 фоиз, самолётсозликда фойдаланиладиган импорт қилинган материаллар ва еҳтиёж қисмлар учун еса - 10 фоизга teng. Ушбу ҳолда А мамлакатда самолётсозликни бож орқали ҳимоялашнинг фактик даражаси қандай? (Қўшимча қиймат усули орқали аниқланг).

7-масала. Бразилия шакар экспортига бир тонна шакар учун 20 \$ миқдорида тариф жорий етди, жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қўйидаги миқдорларни аниқланг.

	<i>Тариф бўлмагандага</i>	<i>Тариф бўлганда</i>
Шакарнинг жаҳон нархи	300 доллар 1 тонна учун	300 доллар 1 тонна учун
Ички истеъмол ҳажми	6 млн. тонна	8 млн. тонна

Ички ишлаб чиқариш хажми	22 млн. тонна	20 млн. тонна
-----------------------------	---------------	---------------

- а) Бразилиялик истеъмолчиларнинг тариф жорий етилиши туфайли ютухи;
- б) Бразилиялик ишлаб чиқарувчиларнинг тариф жорий етилиши туфайли ютқазиши;
- в) Давлат бюджетига тариф йиҳимидан тушумлар миқдори;
- г) Шакарга экспортбожи жорий етилишининг Бразилия миллий фаровонлигига соғ таъсири.

8-масала. Фуджи мамлакати кичик давлат (яъни у жаҳон нархларига таъсир ета олмайди) ва бир қоп ёнғоқни 10 доллардан импорт қилади. Ички бозорда ёнғоққа талаб ва таклиф эгричизиғи қуидаги тенгламалар орқали аниқланади: $D = 400 - 10P$; $C = 50 + 5P$. Фараз қилайлик, Фуджи ҳукумати ёнғоқ импортини 50 қопгача чекламоқчи бўлсин. Қуидагиларни ҳисобланг:

- а) импорт ҳажми қанчага камаяди;
- б) ички нархга қанчага қўтарилади;
- в) истеъмолчиларнинг ютқазиши миқдори;
- г) ишлаб чиқарувчиларнинг ютухи миқдори;
- д) агар импорт учун лицензиялар очик рақобатли ким ошди савдосида сотилса, квота жорий қилишдан мамлакатга умумий таъсири.

9-масала. Фараз қилайлик, Япония Францияга автомобиллар экспортига кўнгилли экспорт чеклашларини жорий етди. Маълумки, бу чеклашлар оқибатида Францияга импорт ҳажми 60 мингтадан 40 мингтагача камайди автомобил нархи 1000 долларга ошди. Бу маълумотлар асосида Кўнгилли експорт чеклашлари натижасида автомобиллар импортига 500 доллар миқдорида маҳсус божхона тарифи ўрнатилган шароитда Франция турмуш фаровонлигининг йўқотишини ҳисобланг.

10-масала. Бир неча экспортёр мамлакат шакарнинг жаҳон нархини кўтариш мақсадида картел туздилар. Картелга аъзо мамлакатлар жаҳон шакар бозорининг 25 фоизини назорат қилишади. Шакарга жаҳон талабининг эластиклиги 0,7 га тенг, картелга аъзо бўлмаган мамлакатлардан шакар етказиб бериш еластиклиги 0,4 ни ташкил етади. Картел учун жаҳон нархини кўтаришнинг энг оптималь миқдорини ҳисобланг.

11-масала. Арика ва Бритика мамлакатларида меҳнат бозори қуидаги маълумотлар билан тавсифланади. Арикада меҳнатга талаб ва таклиф функциялари: $D_L = 100 - 5W$ ва $C_L = 60 + 3W$ кўринишга эга, бу ерда W - бир соатдаги реал иш ҳақи. Бритикада мос функциялар кўриниши: $D_{LI} = 120 - 3W$ ва $C_{LI} = 40 + 5W$.

- а) Ҳар икки мамлакатда бандлик ҳажми (млн. киши) ва барқарор иш ҳақи даражаси (соатига доллар) қандай?
- б) Ишчи кучи миграциясининг йўналишини аниқланг.

в) Фараз қилайлик, ҳар икки мамлакатда емиграция ва иммиграцияга барча чеклашлар олиб ташланган. Бунинг натижасида емиграция мамлакатида иш ҳақи даражаси 1 долларга ошди. Бу мамлакатдан емиграция ҳажмини топинг.
г) Қабул қилувчи мамлакатда иш ҳақининг янги даражасини аниқланг.

12-масала. А мамлакатнинг савдо баланси - 110 млрд. долл., жорий операциялар баланси - 105 млрд. долл., хорижий валюта расмий заҳираларининг кўпайиши - 5 млрд. долл. Қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири нотўғри?

- а) Расмий ҳисоб-китоблар балансининг ижобий қолдихи +5 га тенг.
- б) Соф хизмат кўрсатишлиар ва жорий трансферталар ижобий микдорни ташкил етади.
- в) А мамлакатга капитал кириб келади.
- г) А мамлакатда миллий жамҳармалар инвестициялардан кўп.

13-масала. X мамлакатнинг тўлов баланси маълумотларига асосланиб қуйидаги саволларга жавоб беринг. (барча рақамлар млрд. долларда).

Товар экспорти	+80
Товар импорти	-60
Хизматлар экспорти	+30
Хизматлар импорти	-20
Инвестициялардан соф тушумлар	-10
Соф трансферлар	+20
Капитал кириб келиши	+20
Капитал чиқиб кетиши	-80
Расмий заҳиралар	+20

а) Савдо баланси микдори қандай? б) Жорий операциялар баланси микдори қандай?

в) Капитал ҳаракати баланси микдори қандай? г) X мамлакатнинг расмий заҳиралари баланси қолдиғи қандай?

14-масала. Тўлиқ бандлик бўлмаган иқтисодиётда давлат харажатлари 2 млрд. долл.га ортди. Агар импорт қилишга чегаравий майл 0,2 га, истеъмолга чегаравий майл 0,9 га тенг бўлса, миллий даромад қанчага ортади? (Ташқи дунё билан тескари алоқалар ҳисобга олинмайди.) Давлат харажатларининг бундай ортишининг мамлакат импорти учун соф таъсирини таҳлил қилинг ва ҳисобланг.

Қуйидаги жадвални тўлдиринг:

Ҳолат	Y	C	I	G	NX	Миллий жамғармалар
	5000	3000	700	1000		
2	5000	3000	900	1000		
3	5000	3200	900	900		

Юқорида келтирилган ҳар бир ҳолат учун жорий операциялар ҳисоби ва капитал ҳаракати ҳисоби қолдихини ҳисобланг.

15-масала. Иқтисодиёт қуйидаги формула билан ифодаланган:

$$C = 40 + 0,7(Y - T), I = 150 - 8r.$$

Истеъмол харажатлари 530, ҳақиқий фоиз ставкаси 7% га тенг, давлат жамҳармалари еса 10 га тенг. Жорий операциялар ҳисобининг буромади (камомади)ни ҳисобланг.

16-масала. Қуйидаги маълумотларни қараб чиқинг: хорижий товар ва хизматлар истеъмоли - 100, миллий товар ва хизматлар истеъмоли - 900, хорижий товар ва хизматларга инвестицион харажатлар - 20, миллий товар ва хизматларга инвестицион харажатлар - 180, миллий товар ва хизматларни давлат томонидан харид қилиниши - 240, солиқлар - 450, бюджет камомади - 60, соф экспорт- 200.

Маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда умумий экспорт нимага тенг?

17-масала. АҚШда доллар 8 француз франкига тенг. Айни шу доллар 2 швейцария франкига сотилиши мумкин. Француз франкининг швейцария франкига нисбатан валюта курсини аниқланг.

18-масала. Қуйида фунт стерлинг бозорида талаб ва таклиф картаси берилган:

Фунт баҳоси (долларда)	2,00	2,10	2,20	2,30	2,40	2,50
Фунт таклифи ҳажми (млн.)	160	170	180	190	200	220
Фунтга талаб (млн.)	200	190	180	170	160	150

а) АҚШ федерал резерв тизими: 1 фунт стерлинг = 2,10 доллар даражасида валюта курси белгилади. ФРТ бу ҳолатда фунтларни сотилиши керакми ёки сотиб олиши? Агар ҳа бўлса қанча миқдорда?

б) Бу ҳолатда АҚШнинг расмий валюталарида қандай ўзгариш бўлади?

19-масала. Мюнхенда братвурст 2 марка, Нью-Йоркда хот-дог 1 долл. (братвурст ва хот-дог бу сосискали нон) туради.

а) 0,5 долл. = 1 марка валюта курсида, братвурстнинг хот-догда ифодаланган нархи қанақа?

б) Шу ҳолатларда 0,4 доллар 1 маркага тенг бўлса, нисбий баҳо қандай ўзгаради?

в) Дастребаки вазиятга нисбатан хот-дог братвурстга нисбатан арzonлашдими ёки аксинча?

20-масала. Кичик очиқ иқтисодиётда ишлаб чиқариш миқдори берилган ишлаб чиқариш функцияси даражасидадир. Истеъмол (C) даромадга бевосита боҳлиқ ва $C=80+0.8(Y-T)$ га тенг. Автоном соф солиқлар (T) - 150, инвестициялар (I) - 100, давлат харажатлари (G) - 200 га тенг. Соф экспорт $NX = 20 + 30 YER^*/R = 80$. Давлат харажатлари 30 га кўпайганда миллий валюта қанча миқдорда қадрсизланади (қадри ошади)? Бунда соф экспорт миқдори қанча бўлади? (масала ечимини график равишда ифодаланг).

21-масала. Иқтисодиётда жами ишлаб чиқариш - 2000, резидентларнинг товар ва хизматларга жами харажатлари - 2300, капитал ҳаракати ҳисоби - +200 га тенг. Агар МБ ички кредитни 85 фоизга, пул мултиликаторини 2 га оширса, иқтисодиётдаги пул миқдори қанчага ўзгаради?

22-масала. Кичик очиқ иқтисодиётни қараб чиқайлик. У қуйидаги тенгламалар ва параметрлар билан берилган:

$$\begin{aligned} Y &= C + I + G + NX \text{ (даромад),} \\ WP &= NX + KA \text{ (тўлов баланси),} \\ C &= 170 + 0,6(Y - T) \text{ (истеъмол),} \\ T &= 200 \text{ (солиқлар),} \\ I &= 100 - 4i \text{ (инвестициялар),} \\ G &= 350 \text{ (давлат харажатлари),} \\ NX &= 50 - 0,1 Y \text{ (соф экспорт),} \\ KA &= 55 + 0,4(i - i^*) \text{ (капитал счети),} \\ (M/P)^d &= L = 0,75Y - bI \text{ (пулга талаб),} \\ M^c R &= 735 \text{ (хақиқий пул таклифи).} \end{aligned}$$

Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- бу мамлакатда капитал сафарбарлиги даражаси қандай - юқори ёки паст?
- агар мамлакатда сузуб юрувчи валюта курсидан фойдаланилса, даромад миқдори ва фоиз ставкаси қандай бўлади (ички ва ташқи мувозанатда)?